



ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК КЕКСАЙИШ ЖАРАЁНИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ

Абдуваҳобов Хусниддин Абдулхамид ўғли

Мустақил тадқиқотчи

abduvahobovhusniddin99@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20200928>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-may 2026 yil

Ma'qullandi: 13-may 2026 yil

Nashr qilindi: 15-may 2026 yil

KEY WORDS

демографик кексайиш,
иқтисодий хавфсизлик, пенсия
тизими, фискал барқарорлик,
ижтимоий ҳимоя, кумуш
иқтисодиёт, фаол кексалик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида демографик кексайиш жараёнлари, ушбу жараённинг иқтисодий хавфсизликка таъсири ҳамда ижтимоий ҳимоя тизими олдидаги стратегик чақириқлар таҳлил қилинган. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигининг ортиши, туғилиш даражасининг барқарорлашуви ва кексалар улушининг ўсиши шароитида давлат пенсия таъминоти тизимининг фискал барқарорлиги баҳоланган. Шунингдек, “фаол кексалик” ва “кумуш иқтисодиёт” концепцияларини жорий этиш орқали демографик юклamani иқтисодий имкониятга айлантириш истиқболлари ёритилган.

XXI асрда глобал иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсат олдида турган энг улкан макроиқтисодий чақириқлардан бири бу аҳолининг демографик таркибидаги ўзгаришлар, хусусан, аҳолининг кексайиш жараёнидир. БМТ ва Жаҳон банки экспертларининг хулосаларига кўра, аҳолининг кексайиши нафақат ривожланган Европа давлатлари ёки Японияга хос муаммо, балки ривожланаётган давлатлар учун ҳам тез суръатлар билан яқинлашиб келаётган воқелиқдир.

Демографик кексайиш - бу аҳолининг умумий сонида кекса ёшдаги (одатда 60 ёки 65 ёшдан юқори) кишилар улушининг ортиб бориш жараёнидир. Иқтисодий назарияда бу жараён “демографик дивиденд” даврининг тугаши ва “демографик юклама” даврининг бошланиши сифатида қаралади. Ўзбекистон ҳозирда “учинчи демографик ўтиш” босқичида бўлиб, бунда туғилиш даражасининг пасайиши ва умр кўриш давомийлигининг узайиши кузатилади.

Мамлакатимизнинг демографик ривожланиш босқичи муҳим чорраҳада турибди. Ўзбекистон демографик таснифга кўра, ҳали “ёш давлат” ҳисобланса-да, халқаро ташкилотлар хулосалари бўйича кекса аҳоли сони ва улуши сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бу жараён бир томондан тиббиёт ва турмуш даражасининг ўсиши натижаси бўлса, иккинчи томондан иқтисодий тизимга, хусусан, меҳнат бозори ва ижтимоий суғурта фондларига жиддий босим ўтказишни бошлайди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Демографик кексайиш жараёни илмий адабиётларда аҳоли таркибида кекса ёш гуруҳлар улушининг ўсиши билан изоҳланади ва у одатда туғилиш даражасининг пасайиши ҳамда умр кўриш давомийлигининг узайиши билан боғланади. Бу ёндашув “демографик дивиденд” фазасидан “демографик юклама” фазасига ўтиш назарияси билан биргаликда қўлланади. Мазкур парадигмада кексайиш тенденцияси меҳнат бозори, ижтимоий суғурта ва давлат молиясига босимни кучайтиради. БМТнинг *World Population Ageing 2023* ҳисоботи кексайиш глобал миқёсда тезлашиб бораётганини, пенсия ва ижтимоий ҳимоя тизимлари учун барқарорлик масаласи биринчи даражали вазифага айланганини қайд этади.

Жаҳон банкининг пенсиялар бўйича янги глобал ҳисоботи пенсия тизимлари барқарорлиги баҳосида 3 та йўналишни алоҳида таъкидлаб ўтади. Улар молиявий барқарорлик, қамров даражаси, адолатли тизим мавжудлиги.

Ҳисоботда аҳоли кексайиши шароитида давлат пенсия схемаларини ислоҳ қилиш, қамровни кенгайтириш ва тизимни диверсификация қилиш муҳимлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва пенсия соҳасининг барқарорлиги масаласи халқаро институтлар ҳисоботларида ҳам алоҳида тилга олинади. Жаҳон банкининг *Public Expenditure Review* ҳужжатида демографик ўзгаришлар ва кексайиш пенсия тизими харажатларига босимни ошириши қайд этилади.

Осиё тараққиёт банки материалларида эса ижтимоий суғурта солиғи ставкаларидаги ўзгаришлар пенсия жамғармаси даромад базасига таъсир қилиши, субсидияларга эҳтиёж кучайиши мумкинлиги муҳокама қилинади.

Минтақада демографик таркиб ўзгариши, меҳнат миграцияси ва ижтимоий ҳимоя тизимларининг мослашуви кўп томонлама ҳужжатларда ёритилмоқда. БМТ тизимидаги Ўзбекистон бўйича *Common Country Analysis (2024/2025)* ҳужжати демографик ўзгаришлар, аҳоли ўсиши ва кексайиш тенденцияси пайдо бўлаётганини алоҳида қайд этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида SWOT таҳлил ҳамда статистик маълумотлар таҳлили усулларидан фойдаланилди. Адабиётлар таҳлили доирасида маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ишлари, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро демография институтлари ва ташкилотларнинг ҳисоботлари чуқур ўрганилди.

Демографик таҳлил доирасида аҳоли ёш таркибидаги ўзгаришлар, кексалар улушининг ўсиш тенденциялари ҳамда ўртача умр кўриш давомийлиги динамикаси ўрганилди.

Иқтисодий таҳлил усуллари орқали демографик кексайишнинг давлат молияси, хусусан пенсия жамғармаси даромад ва харажатлар мувозанатига таъсири таҳлил қилинди. Пенсия тизимидаги фискал юклама, бюджет трансферларига боғлиқлик ҳамда узоқ муддатли барқарорлик масалалари таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсири баҳоланди. Бу жараёнда қиёсий таҳлил ва тенденцияларни аниқлаш усулларидан фойдаланилди.

Институционал ёндашув доирасида ижтимоий ҳимоя тизимининг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асослари, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда халқаро тажриба ўрганилди. Хусусан, “**фаол кексалик**” ва “**кумуш иқтисодиёт**”

концепцияларини жорий этишга оид хорижий илмий қарашлар таҳлил қилиниб, уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш имкониятлари баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар

Кексайиш жараёни иқтисодиётга икки асосий тармоқлар орқали таъсир қилади.

Биринчиси, талаб томонидан яъни истеъмол ва жамғариш моделлари ўзгаради, кексалар даромадлари ва фойдаларини кўпроқ тиббиётга сарфлайди, камроқ жамғаради.

Иккинчиси, таклиф томонидан яъни, меҳнат ресурсларининг қисқариши потенциал иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда “Соғлом умр кўриш давомийлиги” ҳам ошиб бормоқда ва 2021 йилда **63.4 ёшни** ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2025 йилга келиб **75.1 ёшни** ташкил қилди. Бу шуни англатадики, одамлар нафақат узоқроқ яшамоқда, балки узоқроқ муддат меҳнатга лаёқатли бўлиб қолмоқдалар. Бу эса пенсия ёши ва меҳнат бозори сиёсатини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Демографик қариш жараёнини ўрганишда тўпланган маълумотлар асосида SWOT таҳлил амалга оширилди. Ушбу таҳлилга кўра, демографик кексайишнинг ижобий ва салбий жihatларини кўриш мумкин

(1-жадвал).

1-жадвал Ўзбекистонда демографик кексайишнинг SWOT таҳлили

Кучли томонлар	Заиф томонлар	Имкониятлар	Таҳдидлар
Кексаларнинг тажрибасидан меҳнат бозорида унумли фойдаланиш	Пенсия тизимида фискал босим ортиб бориши	“Фаол кексалик” сиёсатини жорий этиш натижасида кексалар бандлигини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш	Қарамлик коэффиценти ўсиши натижасида ишчилар ва пенсионерлар нисбати ёмонлашади
Оилавий қўллаб-қувватлаш анъаналарининг сақланиб қолиш давомийлиги	Норасмий бандлик улуши юқорилигининг доимий сақланиб туриши	“Кумуш иқтисодиёт” бозорини ривожлантириш	Ижтимоий харажатлар ўсиши билан бюджет дефицити ва давлат қарзига босим ортади
Кексаларни парвариш қилишда оила ва маҳалла ижтимоий капитал	Узоқ муддатли парвариш тизимининг етарли эмаслиги, яъни, уйда	Пенсия ислохотлари учун диверсификацияларнинг мавжудлиги	Кексалар орасида сурункали касалликлар кўпайиши Соғлиқни сақлаш

сифатида ишлайди	парваришлаш хизматлари чекланганлиги		харажатлари кескин оширади
Давлат ижтимоий сиёсатининг институционал асослари мавжудлиги	Кексалар учун қайта тайёрлаш ва рақамли кўникмалар пастлиги	Телемедицина, хизматлар технологиялардан унумли фойдаланиш	Кам таъминланган кексалар, пенсия қамровидан четда қолган гуруҳлар сони кўпайтиради

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркибидаги ўзгаришлар расмий статистикада яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика агентлиги маълумотларига кўра 2025 йилда 65 ёш ва ундан юқори аҳоли улуши **6,1%** ни ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб бу кўрсаткич **7%** га етиши прогноз қилинмоқда.

Гарчи 6,1% рақами Европа давлатлари (масалан, Германияда 22% дан юқори) билан солиштирганда кичик кўринса-да, ўсиш суръати йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда.

Шунингдек, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Айниқса охириги 5 йилликда бу кўрсаткичлар ўсиши жадаллашди. Бу – давлат ижтимоий сиёсати ва тиббиёт ривожининг ютуғи, лекин айти пайтда пенсия тизими учун улкан юкломани келтириб чиқаради.

2-жадвал Ўзбекистонда демографик кексайишнинг асосий индикаторлари

Кўрсаткич	2020	2021	2022	2023	2024	2025
65+ аҳоли улуши, %	5.3	5.4	5.5	5.7	5.9	6.1
Ўртача умр кўриш, йил	71.5	71.7	72.1	72.4	75.1	75.4

Умр кўриш даврининг узайиб бориши пенсия таъминоти тизими ва унинг молиявий ҳолатига фаол таъсир кўрсатмоқда. Пенсия олувчилар сонининг ошиши ва пенсия тўлаш даврининг узайиши Пенсия жамғармасига тўловлар бўйича “**юклама**”нинг кескин ортишига сабаб бўлади.

2025 йил 1 июнь ҳолатига Пенсия жамғармаси ҳисобида турувчи пенсия олувчи фуқаролар сони **4 192,9 минг нафарни** ташкил қилмоқда. Шундан **3 467,7 минг киши** – айнан ёшга доир пенсия олувчилардир.

Муаммо шундаки, Пенсия жамғармасининг даромадлари (ижтимоий солиқ тушумлари) харажатларни қоплашга етмаяпти. Жамғарманинг катта қисми давлат бюджети субсидиялари орқали қопланмоқда.

2025 йилда давлат бюджетидан ўтказилган трансферлар ҳажми **20 триллион сўмдан** ортиқни ташкил этиши кутилмоқда. 2028 йилга бориб эса бу рақам **26 триллион сўмгача** ошиши прогноз қилинмоқда.

Бундай тенденция давом этиши давлат бюджети дефицитини оширади ва маблағларни таълим ёки инфратузилма каби ривожланиш лойиҳаларидан ижтимоий трансферларга йўналтиришга мажбур қилади. Пенсия жамғармалари харажатлари демографик кексайиш ҳисобига **17% га** ошиши кутилмоқда. Аммо масала фақат демографияда эмас, балки тизимнинг ўзида ҳам мавжуд:

Биринчиси, Халқаро валюта жамғармаси ва маҳаллий экспертларнинг баҳолашича, иш билан банд аҳолининг атиги **38% и** пенсия тизими билан қамраб олинган, қолган қисми норасмий секторда фаолият юритади. Бу келажакда “ижтимоий нафақага қарам” кексалар қисмини вужудга келтириши мумкин.

Иккинчиси, Ўзбекистон минтақа ва дунёдаги энг паст пенсия ёшига эга давлатлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон банки экспертлари пенсия ёшини (эркаклар ва аёллар учун) босқичма-босқич **65 ёшгача** оширишни тавсия қилиш мумкин.

Юқоридаги тенденцияларнинг ортиб бориши натижасида пенсия жамғармасига юкламанинг ўсиши ҳамда бюджетдан қўшимча маблағлар ажратилишини янада кўпайшига олиб келади. Аҳолининг кексайиши нафақат пенсия, балки тиббиёт тизими учун ҳам синовдир. Ёши катта инсонларда учрайдиган касалликлар соғлиқни сақлаш тизимига юкломани доимий ошишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, кекса ёшдаги инсонларда сурункали ва ёшга доир касалликлар кўпаяди. Уларни даволаш ва профилактикаси узоқ муддат ва катта маблағ талаб қилади.

Халқаро тажрибада (масалан, Европа Иттифоқида) 65 ёшдан ошганлар аҳолининг 15% ини ташкил этса-да, улар учун умумий тиббий ресурсларнинг тахминан **60% и** сарфланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда ўтказилган тиббий кўрик натижасида 65 ёшдан ошган аҳолининг **71,1% ида** турли хилдаги сурункали касалликлар аниқланган.

Бу ҳолат Давлат бюджетининг кўп қисмини иқтисодий ислоҳотлар ёки инвестициялар учун эмас, балки айнан ижтимоий таъминот ва тиббий соҳаларга йўналтиришга мажбур қилиши мумкин.

Анъанавий “Саҳоват уйлари” модели эндиликда самарасиз ҳисобланмоқда. “Ўзбекистон-2030” стратегияси ва янги ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти доирасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Эндиликда асосий эътибор кексаларни жамиятдан ажратмаган ҳолда, уй шароитида ёки кундузги марказларда парвариш қилишга қаратилмоқда. Бу ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри йўналишдир.

Аҳолининг кексайиши меҳнатга лаёқатли аҳоли улушининг қисқаришига ва иқтисодиёт ўсишининг секинлашишига олиб келиши мумкин. Бироқ, бу жараёнга фақат муаммо сифатида қараш нотўғри. Дунё тажрибасида бу “Кумуш иқтисодиёт” деб аталувчи янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиёти ўсиш потенциали юқорилигини инобатга олсак, кексайиш жараёни ҳозирча ўзининг кескин салбий таъсирини кўрсатмаслиги мумкин, лекин келажакда ишчи кучи етишмовчилиги юзага келади. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “бугунги 70 ёш – бу аввалги 50 ёшдир”. Тажрибали мутахассисларни нафақага кузатиш ўрнига, уларни қисман иш вақти, маслаҳатчи ёки масофавий иш шаклларига жалб қилиш иқтисодиёт учун фойдалидир.

Ўзбекистон учун демографик муаммоларни ҳал қилишда ривожланган давлатлар тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Европа давлатларида пенсия ёши босқичма-босқич 67 ёшга етказилмоқда. Шунингдек, уларда суғурта тиббиёти ва узоқ муддатли парвариш суғуртаси йўлга қўйилган бўлиб, бу давлат бюджетига тушадиган юкни камайтиради.

Қўшни давлатларда ҳам ўхшаш ислохотлар бошланган. Масалан, Қозоғистонда кўп поғонали пенсия тизими анча йиллардан бери амал қилмоқда. Жаҳон банки ҳисоботларига кўра, минтақада пенсия ёшини ошириш ва аёллар пенсия ёшини эркакларникига тенглаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон учун энг мақбул йўл бу халқаро тажрибани миллий менталитет кексаларга ҳурмат, оилавий қадриятлар билан уйғунлаштиришдир.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллардан ва юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади, пенсия таъминотида **уч поғонали модель** (базавий давлат пенсияси, мажбурий эҳтиёт жамғармалари, ихтиёрий шахсий жамғармалар) тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур, Давлат кафолати остида нодавлат пенсия фондларини (НПФ) ташкил қилиш орқали аҳолининг бўш маблағларини инвестиция сифатида иқтисодиётга жалб қилиш.

Экспертлар фикрига кўра, кексаларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан кучайтиришга қаратилган **“Фаол ва соғлом қариш”** Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Ушбу стратегия қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Кексалар учун узлуксиз таълим дастурлари.

- Соғлиқни сақлаш ва кексайиш инфратузилмасини яхшилаш, хусусан, қишлоқ жойларида **мобил клиникалар** ва **телемедицина** хизматларини кенгайтириш.

- Демографик кексайишни ҳисобга олган ҳолда статистик мониторингни кучайтириш.

Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ муаммолар пенсияларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланмаслигига олиб келмаслиги шарт. Бу аҳолининг давлатга бўлган ишончига путур етказиши. Шу сабабли, ислохотлар (масалан, пенсия ёшини ошириш) аҳолига тўғри тушунтирилиши, босқичма-босқич ва "шоксиз" амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон демографик ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Кексалар сонининг ортиб бориши иқтисодиёт учун ҳам хавф, ҳам имкониятдир. Агар бугунги кунда пенсия ва ижтимоий суғурта тизимида кескин ва тизимли ислохотлар амалга оширилмаса, 2030 йилларга келиб давлат бюджети улкан юкламага дуч келиши мумкин.

Бироқ, тўғри ёндашув яъни, кексаларни жамият ва иқтисодиётнинг фаол аъзоси сифатида кўриш, хусусий секторни жалб қилиш ва рақамли технологиялар телемедицина, электрон ижтимоий хизматлардан фойдаланиш орқали Ўзбекистон бу демографик чақирқни муваффақиятли енгиб ўтиши мумкин. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар нафақат молиявий барқарорликни, балки кекса авлод вакилларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти. “Ўзбекистон-2030” стратегияси. Ижтимоий ҳимоя, аҳоли фаровонлиги ва инсон капитали ривожига оид устувор йўналишлар. Расмий стратегик ҳужжат. https://gov.uz/uz/pages/2030_strategy
2. World Bank. Population ages 65 and above (% of total population) – Uzbekistan (Indicator: SP.POP.65UP.TO.ZS). World Development Indicators (WDI). World Bank Open Data
3. World Bank DataBank. World Development Indicators (WDI): Uzbekistan — SP.POP.65UP.TO.ZS (time series report). DataBank
4. Federal Reserve Bank of St. Louis (FRED). Population ages 65 and above for Uzbekistan (SPPOP65UPTOZSUZB). Source: World Bank, WDI. FRED
5. Federal Reserve Bank of St. Louis (FRED). Older Dependents to Working-Age Population for Uzbekistan (SPPOPDPNDOLUZB). Source: World Bank, WDI. FRED
6. United Nations, DESA, Population Division. World Population Ageing
7. 2023: Challenges and opportunities of population ageing in the least developed countries. (Report, PDF). un.org
8. United Nations, DESA, Population Division. World Population Ageing 2023: Key messages. (PDF). un.org
9. World Bank. Uzbekistan Public Expenditure Review: Better Value for Money in Human Capital and Water Infrastructure. Washington, DC: World Bank, 2022. (PDF). World Bank
10. World Bank Open Knowledge Repository. Uzbekistan Public Expenditure Review (PER), December 2022 (Publication page). openknowledge.worldbank.org
11. World Health Organization (WHO). UN Decade of Healthy Ageing: Plan of Action 2021–2030. (PDF). cdn.who.int
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (Stat.uz). Аҳолининг ёш таркиби ва демографик кўрсаткичларига оид расмий статистик маълумотлар. <https://stat.uz/uz/>